



Инфляция динамикаси шарҳи

2021 йил ноябрь



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тошкент 2021 йил


2021 йил ноябрь ойида

ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ НАРХЛАРИ ЎЗГАРИШИ

Жорий йилнинг ноябрь ойи давомида асосий истеъмол товарлари ва хизматлари нархлари ўсиши 1,2 фоизни, йиллик ҳисобда эса 10,3 фоизни ташкил қилди.

Ноябрь ойида ҳам аввалги ойларда кузатилганидек инфляциянинг ўсувчи динамикасини юзага келишига озиқ-овқат нархларининг **1,9 фоизга** ошиши (*умумий инфляцияга таъсири 0,8 фоиз банд*) асосий омил бўлди ва йиллик ҳисобда ушбу маҳсулотлар **13,4 фоизга** ошди.

1-расм. Асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўзгариши (ўтган ойга нисбатан, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Гўшт маҳсулотларининг ҚҚС тўловларидан озод қилиниши ва импорт ҳажмининг кўпайиши ҳисобига **ушбу маҳсулотлар** нархининг ойлик ўсиши октябрь ойига нисбатан 1,6 фоиз бандга пастлаб, **0,3 фоизни** ташкил этди. Бунда **мол ва қўй гўшти** (1,5 фоиз) ҳамда **қийма гўшт маҳсулотлари** (0,7 фоиз) нархида пасайиш кузатилди.

Шунингдек, **парранда гўшти** (ўсиш - 3,7 фоиз) ҳамда **колбаса маҳсулотларининг** (2,4 фоиз) инфляцияга оширувчи таъсири сақланиб қолди. Ушбу маҳсулотлар нархининг ошишини ишлаб чиқариш таннархининг кўтарилиши, жумладан, бугдой, ем-озуқа ҳамда иситиш харажатларининг юқорилиги билан изоҳлаш мумкин.

Қўшни давлатларга фаол тарзда экспорт қилинаётган **тухумнинг** қимматлашиши октябрь ойига нисбатан секинлашиб, ноябрь ойида **5,4 фоизни** ташкил этди.

Буғдой уни нархларининг ўсиши (биринчи ва олий навли - **1,6 фоизга**) жорий йилда буғдой ҳосилининг режага нисбатан кам бўлганлиги, шунингдек, Россияда буғдой экспортига ўрнатилган божнинг мунтазам оширилиб борилаётгани билан боғлиқ.

*Маълумот учун, Россияда буғдой экспорти учун киритилган бож миқдори тоннаси учун октябрь ойида **57,8 доллардан** декабрь ойининг биринчи санасида **80,8 долларгача** кўтарилди.*

Эрон давлатидан импорт қилинаётган нисбатан арзон **картошка** таклифининг камайиши ва захираларнинг етарли эмасли нархларнинг ноябрь ойида қарийб **10 фоизга** ошишига сабаб бўлди. Келгусида, ички бозорларда картошка нархларини барқарор сақлашда, қўшни давлатлар томонидан картошка экспортига чекловлар киритилиши мумкинлиги шароитида Эрон ва Покистондан картошка импорти миқдорини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ушбу ойда **шакар** (*4,1 фоиз*) ва **сут** (*4,1 фоиз*) маҳсулотлари нархида ўсиш кузатилди. Ноябрь ойи бошидан товар-хомашё биржасида қўйиладиган шакар таклифининг ўтган ойларга нисбатан камайганлиги ушбу маҳсулот нархига оширувчи таъсир кўрсатди. Совуқ об-ҳаво шароитида озуқа тайёрлаш ва чорвани озиклантириш билан боғлиқ қўшимча харажатларни юзага келиши **сут маҳсулотлари** нархларида ўз аксини топмоқда.

Сабзавот маҳсулотларидан **помидор** (*ўсиш 1,5 баробарга*), **булғори қалампери** (*1,4 баробарга*) ва **бодринг** (*1,3 баробарга*) нархлари мавсумий қимматлашиши давом этмоқда. Бунда, нархлар асосан иссиқликни таъминлаш учун энергия ресурслари (кўмир ва газ) харажатлари ҳамда ушбу маҳсулотлар экспорт қилинадиган давлатлардаги нарх конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда шаклланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ноябрь ойида янги ҳосилнинг юртимиз бозорларига кириб келиши натижасида **лимон** (*4,4 фоизга пасайди*), **гуруч** (*0,8 фоизга*) ва **анор** (*0,7 фоизга*) шунингдек, сабзавотлардан **сабзи** (*24,9 фоизга*), **шолғом** (*8,3 фоизга*) ва **лавлаги** (*5,2 фоизга*) нархлари ўтган ойга нисбатан арзонлашди.

Октябрь ойидан ҚҚС тўловларидан озод қилиниши ва қиш ойларида таклиф ҳажмини ошиши **банан** нархини ноябрь ойида **3,5 фоизга** арзонлаштирди.

Ноябрь ойида ноозиқ-овқат товарлари нархининг ўсиши 0,3 фоиз бандга тезлашиб, 0,8 фоизга тенг бўлди.


Ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг асосий ўсиши транспорт соҳаси (асосан бензин нархларининг ошиши ҳисобига), кийимлар ва пойабзаллар (0,8 фоиз), маиший товарлар (0,6 фоиз), дори воситалари ва тиббиёт маҳсулотлари (0,5 фоиз) нархлари ўзгаришига тўғри келди.

Бензин нархи ойлик ҳисобда **9,8 фоизга**, йиллик ҳисобда эса **69,7 фоизга** ошди. Ушбу тенденциялар, ўз навбатида, ушбу маҳсулот нархларини пасайтириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилиши лозимлигини кўрсатмоқда.


Бундан ташқари, ноябрь ойида метан нархи ўзгаришсиз қолган бўлса, пропан **7,2 фоизга** арзонлашди.

Кийим-кечак маҳсулотлари нархларининг ўсиши мавсумий омиллар билан характерланса, **маиший товарлар** ва **дори-дармон** нархларидаги ўзгаришлар етказиб беришдаги узилишлар билан ифодаланади.

2-расм. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси (ойлик, фоизда)



3-расм. Хизматлар инфляцияси (ойлик, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Ноябрь ойида ўтган ойларга нисбатан қурилиш соҳасида фаолликни пасайиши ва импорт ҳажмининг ошиб бориши фонида **цемент** нархи **2,6 фоизга** пасайди.

Хизматлар гуруҳида нархларнинг ойлик ўсиши октябрь ойи даражасида бўлди (0,5 фоиз) ва йиллик кўрсаткичда ҳам пасаявчи динамика сақланиб қолди (октябрь ойидаги 8,4 фоиздан ноябрь ойида – 8,1 фоизгача).


Ушбу даврда ёқилғи маҳсулотларининг қимматлашиши, ўз навбатида, йўловчи ташиш траспорти хизматлари нархининг (1,9 фоиз) ошишига олиб келди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликларни етказиб бериш бўйича хизматлар ўтган ойга нисбатан **1,7 фоиз бандга** тезлашиб, **2,7 фоизга** тенг бўлди.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳаси, меҳмонхона, маиший буюмларга хизмат кўрсатиш, почта ва курьерлик хизматлари гуруҳи нархлари ўсиш тенденциялари октябрь ойига нисбатан **бироз секинлашди**.

Базавий ва қисқартирилган инфляция

Ноябрь ойида базавий инфляция **1 фоизни** ташкил этиб, йиллик ўсиши **8,9 фоизга** етди. Бунда базавий инфляциянинг умумий инфляцияга оширувчи ҳиссаси **6,8 фоизни** ташкил этиб, 2018 йилдан бери **энг паст кўрсаткич** ҳисобланади¹.

3-расм. Базавий ва қисқартирилган инфляция динамикаси



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Шунингдек, **қисқартирилган инфляциянинг²** йиллик ўсиши **7,5 фоизни** ташкил этиб, умумий ва қисқартирилган инфляция ўртасидаги тафовут октябрь ойидаги кўрсаткичга (**3,2 фоиз банд**) нисбатан қисқариб **2,8 фоиз банд** бўлди.

¹ **Базавий инфляция** – мавсумий ва маъмурий хусусиятга эга бўлган алоҳида товарлар ва хизматлар нархларининг (мева-сабзавотлар, ёқилғи, йўловчи транспортининг алоҳида хизматлари, алоқа хизмати, уй-жой коммунал хизматлари ва бошқалар) ўзгаришини ҳисобга олмаган ҳолда ҳисобланган инфляция.

² **Қисқартирилган инфляция** – энг юқори ва энг паст нарх ўсишига эга бўлган 10 та товар (хизматлар) гуруҳларини мос равишда истисно қилган ҳолда ҳисобланган инфляция.